



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 25 декабрь, чоршанба

№102 (11.490)

Эркин нарҳда сотилади

Обод маҳалла йилида хотин-қизлар фаолияти

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши маҳаллаларнинг иқтисодий, ҳуқуқий мавқеини янада юксалтириши билан бирга, зиммасига ўта масъулиятли вазифалар ҳам юклайди.

Бу борада Президентимизнинг "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги Фармойиши муҳим аҳамият касб этади. Республика Хотин-қизлар кўмитасининг кенгайтирилган бошқаруви йиғилишида шу ҳақда гап борди.


Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар хотин-қизлар кўмиталари мутасаддилари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Обод маҳалла йили муносабати билан хотин-қизлар кўмиталарининг вазифаларини белгилаш, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ аёллари ўртасида бандлик, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақидаги масалаларга атрофлича эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА.



Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов юртимизда табиат бойликларини асраб-авайлаш ҳамда юрдошларимиз соғлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бир йил муқаддам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан айнан мана шу жойда халқаро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш марказини бунёд этиши ишлари бошлаб юборилгани бунинг ёрқин исботидир.

2001 йил сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт ҳудуди-

нинг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизimini ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинган эди. Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг қулай иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган. Қарорда кўзда тутилганидек, Ҳазрат-Чорвоқ-Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу ҳуду-

манзара маскан ҳудуди ва табиатининг мусоффолигини таъминлашда ўзига хос омил саналади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудудда уч юлдузли учта меҳмонхона, иккита пансионат, подстанциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси сингари кўплаб хордиқ чиқариш масканлари бунёд этиш режалаштирилган.

Марказнинг фойдаланиш учун топширилган биринчи навбатида эса, ҳозирча, 124 киши учун мўлжалланган меҳмонхона нафақат ҳамюртларимиз, балки хордиқлик меҳмонларнинг йилнинг

Истиқлол иншоотлари

«ЧОРВОҚ ОРОМҒОҲИ» ЧОРЛАЙДИ

Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлик туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Исталган мавсумида кўнгилдагидек хордиқ чиқариши учун жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатади. Шунингдек, ижара пунктлари, ресторан, кафе, спорт майдончалари ҳам дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тулаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.
Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

СУҲБАТ
МАВЗУИ —
ОИЛА ВА
АЁЛ

Қибрай тумани хотин-қизлар кўмитаси «Аёл қалби» ишонч маркази билан ҳамкорликда бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, жойларда ўтказилаётган «Аёл қалби» номли семинар-йиғилишлар жамиятда ва оилада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларга руҳий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш мавзуларига қаратилган. Бундай тадбирлар Қибрай, Янгиобод, Енарик, Май, Учқўрғон ва Байтқўрғон фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. Шоира ҚУРБОНОВА.

БАТАН
МУҚАДДАС

Мамлакатимизда бўлган каби, вилоятимизда ҳам оммавий-ватанпарварлик ойлари давом этмоқда. Хусусан, Бекобод шаҳрида бу борада кўплаб тадбирлар уюштирилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши жамоати ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида «Хушёрликка даъват», «Ватан саждаҳо каби муқаддасдир», «Аксилтеррор ҳаракатида Ўзбекистоннинг мавқеи» мавзуларида ёшлар ўртасида ўнга яқин учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказди.

Ойлик давомида ўқувчи ёшлар ва спорт-техника клублари аъзоларининг харбий қисмларга, спортнинг техник турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ўтказилган жойларга, вилоят «Шоли ватан тарихи» музейига ташрифлар, шунингдек, бошқа тадбирлар уюштириш режалаштирилган.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Долзарб анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «Ўзбекистон фулбрайтчилари ассоциацияси» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ташкил этилган «Американистика ва Марказий Осиё тадқиқотлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинар Америка ва Ўзбекистон олимларининг Марказий Осиё ҳамда АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги илмий тадқиқотлари натижалари билан таништириш мақсадида уюштирилди.

Тадбирда АҚШ ҳукумати томонидан молияланган фан ва таълим соҳасидаги алмушув дастури битирувчилари Американинг университет-



лари, давлат, ноҳукумат ва бошқа институтларида малака ошириш натижасида олган билимлари, таассуротлари билан ўртоқлашди.

Семинарда америкаликлар Марказий Осиёни қандай тасаввур қилиши, Америка матбуотида мамлакатимиз тўғрисидаги маълумотлар қандай ёритилаётгани ҳақида гапирди.

ЎЗА.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида жаҳон таълим стандартлари талаблари асосида юқори малакали мутахассислар етиштириш, уларнинг қобилиятини тўлроқ намоён этиш, ривожланган давлатларнинг етакчи олий ўқув юрталари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси қўйилган. Тошкентда Халқаро Вестминстер университетининг очилиши шу мақсадга хизмат қилади.

Вестминстер талабалари уюшмаси

Мазкур олий ўқув юрти ўзининг фаолиятини Буюк Британиянинг Westminster университети тамойиллари асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Шунга кўра бу ерда Талабалар уюшмаси ташкил этилди. Уюшма ялли йиғилишида унинг иш дастури, режаси, асосий мақсад ва вазифалари тасдиқланди.

Деярли барча ҳужжатлар, хусусан, уюшма дастури талабалар томонидан Лондон университетидаги шундай ташкилот андозлари асосида тайёрланди ва албатта, маҳаллий шароитнинг ўзига хос томонлари ҳам инобатга олинди, — дейди Тошкент халқаро Вестминстер университети ректори А.Абдувоҳидов. — Уюшмада турли соҳаларни қамраб олувчи беш кўмига иш олиб боради. Улар ижтимоий масалалар, молия, кадрлар билан ишлаш, маданий дам олишни ташкил этиш ва спорт кўмиталаридан иборат.

Уюшма раҳбарлари овоз бериш йўли билан сайланади. Унга бир йил муддатга сайланадиган президент бошчилик қилади. Шунингдек, уюшма иши бош қотиб, талабалар турмуши ва ўқишга масъул ходим, ташкилий ишлар мутасаддиси сингари раҳбар шахслар томонидан бошқарилади. Уюшма талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказиш, университет раҳбарияти билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштиришда иштирок этади.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

ИСЛОҲОТ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёш банк ходимларининг иқтисодий эркинлаштириш ва банк тизимида ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда республика-мизнинг турли минтақаларидаги тижорат банклари филиал ва бўлимларида меҳнат қилаётган ёш, иқтисодий ходимлар, шунингдек, иқтисодиёт-молия йўналишидаги олий ўқув юрталарида тахсил олаётган талабалар иштирок этди.

Илмий-амалий семинар доирасида

банк хизматлари бозорини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш-ни тақомиллаштириш, йирик инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, банкларари кредит бозори ва кредит уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш, нақд пул муомаласини тартибга

солиш каби мавзулардаги 20 илмий изланиш кўриб чиқилди.

Улар орасидан 7 илмий тадқиқот мамлакатимизнинг йирик олимлари ва тажрибали банк мутахассисларидан иборат илмий кенгаш томонидан юқори баҳоланди.

Танловда энг яхши деб топилган маърузалар муаллифлари ўз мавзулари доирасида берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Илмий кенгаш қарори билан уларни банк тизими раҳбар кадрлари захирасига киритиш тавсия этилди.

(ЎЗА).

ЖУРНАЛИСТ ҚОНУНИНИ БИЛИШИ ШАРТ

«ADVOKAT» журнали таҳририяти, «ЕВРАЗИЯ» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Журналист. Қонунни билиш ва ҳуқуқий мавзуларни ёритиш муаммолари»га бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқий идоралар ва вилоят ҳамда республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинарда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири Хуршид Дўстмухаммедов ва бошқалар оммавий ахборот воситалари вакиллари хуқуқий

лари томонидан бугунги кунда оммавий ахборот воситаларидаги ҳуқуқий мавзуда чиқишлар, журналистларнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун яратилган имкониятлар, тегишли қонун ҳужжатларининг амалда нечоғлик қўлланилаётгани ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу мавзудаги семинар-кенгашни уч босқичда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Қарор ва ижро

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИ ҶИМОЯДА

Инсон соғлом, яхши яшаш учун аввало у истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, фойдаланаётган буюмларни сифатли, соғлиққа зарар қилмайдиган бўлиши даркор. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқатга зид ишларнинг олдини олиш, нафақат тегишли назорат идоралари ходимлари, балки, жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир.

Вилоятимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорига сифати паст, кишилар саломатлиги ва ҳаётига ҳавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда махсус қарори чиқди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 10 декабрда «Вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда белгиландики, вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, бу

(Давоми 2-бетда).

УЛАР — ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ!

Илгари хабар қилганимиздек, Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройида 2002 йилги нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кўплаб олтин, кумуш, бронза медалларини кўлга киритган вилоятимиз спортчиларидан бир гуруҳини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам ўтаётган 2002 йил вилоятимиз спорт тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Вилоятимизнинг ўнлаб моҳир спортчилари йил давомида Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Осиё ўйинлари мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг медаллар хазинасига 16 та олтин, 13 та кумуш ва 28 та

бронза медалларини ҳаёда этдилар. Шухрат шоҳсупасига кўтарилган шундай донгдор спортчиларимиз орасида эркин кураш бўйича Жаҳон чемпиони, ўн тўртинчи Осиё ўйинлари ғолиби Дилшод Мансуров, Осиё чемпионати ва Осиё ўйинларининг олтин медаллари соҳиблари бўлган боксчилар Рус-там Саидов ва Икромжон Бердиев, жаҳон чемпиони, енгил атлетикачи Леонид Андреев ва дэо-дочи Санжар Зокиров, Осиё ўйинларида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича бир йўла олтин ва кумуш медалларни кўлга киритган Юлия Барзова, Осиё ўйинларида академик эшак эшиш бўйича мамлакатимиз жамғармасига ҳам кумуш, ҳам бронза медалларини қўшган Севара Ғаниева, Анна Кузнецова ҳамда Владимир Тремасов,

(Давоми 3-бетда).

Банк ва миқоз

Чирчиқлик тadbиркор Абдухалил Шамсиев шифобахш булоқлар сувини қadoқловчи корхона қуришни режалаштирди. Шу мақсадда кредит сўраб, Чирчиқдаги уй-жой жамғарма банки бўлимига мурожаат қилди. У ердагилар тadbиркорни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Жорий йилда бу банк кичик ва ўрта бизнесга берилмаётган кредит ҳажми бўйича шаҳардаги тижорат банклари ичида олдинда борапти. Утган тўққиз ойда 1 миллиард 120 миллион сўм ҳажмидаги маблағ шу мақсадга ажратилди. 2001 йилда бундай сармоя ҳажми 800 миллион сўм атрофида бўлган эди. Миқозлар сони ҳам ортиб 730 тага етди. Улар Чирчиқдан ташқари Паркент, Қибрай, Бўстонлик туманларида ҳам бор. Ҳозиргача ажратилган кредитнинг 781 миллион сўми фойзалари билан қайтариб олинди.

САРМОЯНИ ИШ БИЛГАН ОЛГАНИ МАЪҚУЛ

Зарур ҳужжатлар тахт бўлган, «Шамс А.А.» фирмаси раҳбарига бир йил муддат билан 80 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Устамаси 20 фойз қилиб белгиланди. Ишбилармон мазкур кредит эвазига барпо этган корхона ҳозирги кунда Хумсонда бир маромда ишлаб турибди. Олинган кредит эса, вақтида қайтарилмоқда.

Банк тadbиркорларга «Бизнес-фонд» ва шаҳар меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўлими кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратган маблағларини олишда воситачилик ҳам қилмоқда. Шу йўл билан деҳқон ҳўжалиги раҳбари Ашурова «Бизнес-фонд» орқали 4 миллион сўмлик, устамаси 10 фойзлик имтиёзли кредитни олиб берди. Иш билан таъминлаш бўлимининг шундай фойзли 14 миллион сўмлик кредити уч нафар хусусий тadbиркор, шу жумладан, битта фермер ҳўжалигига тақсимланди.

Банк жамоаси тadbиркорлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес билан шўғулланиш истиқомда кредит сўраб мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг илтимосларини тўла қондиришга ҳаракат қилаяпти. Кредит асосан банк сармоясидан ажратилмоқда. Айни вақтда қўшимча имкониятлар ҳам ишга солинаяпти. Жумладан, аҳолининг ортиқча маблағларини кенроқ жалб қилиш учун омонатга пул қўйишнинг юқори фойзли янги-янги турлари жорий қилинмоқда. Чунинчи, «Нур» деб аталувчи ва ойига 2,5 фойзлик омонатга пул қўйилган ҳар ойда 4,6 фойздан фойда кўрмоқдалар. «Антика» тури билан 6 ой муддатга қўйилган маблағ эгасига ҳар ўн беш кунда 2,5 фойздан устамаси тўланапти.

Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришда фаол катнашиш банк жамоаси учун ҳам жуда фойдали бўлаяпти. Берилган кредитларнинг кенкиртирмай қайтариллиши ва улар ҳисобидан олинган устамаси фойзалар банкка қарашли маблағнинг тез қўлайлишига, тadbиркорлик ҳаракатининг ривожланишига қўшилаётган ҳисса ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Мирсоби́р МИРҲАМИДОВ.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

борада белгиланган чора-тadbирларни амалга ошириш. Шунингдек, ички бозорда сотилаётган истеъмол буюмларининг талаб этиладиган сифатини ва хавфсизлигини, харидорлар истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш вазифаси ҳам қўйилди. Унга жумладан, таъсирчан механизмларни яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари (Давоми. Боши 1-бетда).

ри, назорат қилувчи ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқлиги ҳам алоҳида кўрсатилди. Шаҳар ва туман ҳокимликларига эса, маҳаллаларда, уй-жой мулкдорлари ширкатларида, доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркалар ва бозорларда, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳлари тuzиш топширилди. Шу билан бирга, ҳудудий бирлашмалар, шаҳар ва туман истеъмолчилар ҳуқуқини

ҳимоялаш жамиятларини бир ой муддатда ижара ҳақи ундирмасдан коммунал хизматларга имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаган тартибда хоналар ажратиш вазифаси юкланди. Улар ўз маблағлари ҳисобига меҳел ва зарур техника воситалари билан таъминланади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича вилоят кенгашига бу тизимда ишларнинг самарадорлигини оширишга доир чора-тadbирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чи-

қиш ва тасдиқлаш, истеъмолчилар манфаатларини муҳофазалаш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси конференциясини шаҳар ва туманлар вакиллари таклифига-асосан 2003 йилнинг 10 январигача ўтказиш топширилди. Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига эса, қуйидаги ҳолатларда олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жариима солишига рухсат этилди: истеъмолчиға товар (ишлар, хизмат) қиймати

кўрсатилган, унинг харид қилинганлигини ёки бажарилган ишга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи қасса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан сотиш ёки буюмининг ярқоқлиги муддати кўрсатилмаган ёки унинг белгиланган даври ўтиб кетган нарсаларни қабул қилганда ва сотилган тақдирда қўлланилади. Ушбу ҳужжатнинг яна бир эътиборли томони — ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вилоят кенгаши билан биргаликда 2003-2004 йил йилдан бошлаб белгиланган тартибда қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курслар ўтилади.



Ангрендаги 72-акциядорлик автомобил корхонаси жамоаси миқозларга транспорт хизмати кўрсатишни тобора кенгайтириб бормоқда. Жорий йилнинг утган ойлари давомида буюртмачилар билан тузилган барча шартномалар муваффақиятли бажарилди. Ҳозиргача бир миллион тоннадан ортиқ халқ ҳўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. СУРАТДА: акциядорлик жамиятининг ишорат транспортчилари Эгам Исмаилов ва Мадусмон Иброҳимовлар иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар. Даврон АҲМАД олган сурат.

УЮШМА 10 ЁШДА

Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чакриқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган асосий устувор йўналишлардан бири — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин қучайтиришдан иборат эканини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундай ташкилотлардан бири Ўзбекистон врачлар уюшмасидир. Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган ушбу ташкилотта ҳозирги кунда 80 дан зиёд хусусий тиббий фирма, шунингдек, унлаб тиббий акциядорлик жамиятлари, тиббиёт марказлари ва корхоналари, иккита илмий жамият, нейрохирургия маркази ва бошқа нодавлат мулк эгаси бўлган тиббий муассасалар аъзо. Уюшма барча вилоятларда ўзининг ҳудудий бўлимларига эга. Тошкентда мазкур уюшманиннг ун йиллигига бағишлаб ўтказилган йилгиликда шулар ҳақида сўз борди. Унда уюшманиннг келгуси йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Замон ЭШОНҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

UNIC logo and advertisement for UNIC tea. Text: ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН! «Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт сўғурта компаниясининг Бош андерратийннг агентлиги жамоаси ўз миқозлари ҳамда Ўзбекистоннинг барча аҳолисини Янги йил билан қизғин қутлайди! Янги йилда ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди!

Advertisement for 'DUSTOBODDA YANGI MARKAZ'. Text: Ҳамкорлик робиталари ДЎСТОБОДДА ЯНГИ МАРКАЗ Тарихдан яхши биламиз, қадимги даврларда ҳам юртимиз аёллари тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик ва бошқа касбларни мукамал билишган. Улар қўлидан чиққан буюмлар нафақат ўзимизда, хориждаги бозорларда ҳам харидоргир бўлган. Нобў ҳунарларини қизлари, невараларига ўргатишган. Шу тарихи касб-хунар турлари қўлайиб, тақомиллашиб бораверган. Дарҳақиқат, оналаримиз, опасингилларимизнинг қўли гул. Бир ишни бошлашса, маромига етказмай қўйишмайди. Янгиликларни ўзлаштиришга, билганларини бошқаларга ўргатишга интилишади. Бунда фақат уларга зарур ёрдам, кўрсатма берилса кифоя, уёгини бинийидек эплаб кетишади. Яқинда Тошкент вилоят «Тadbиркор аёл» уюшмаси Немис ривожланиш хизмати билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишни амалга оширди. Қуйичиқ тумани маркази Дўстободда туман «Тadbиркор аёл» уюшмаси қошида ўқув маркази ташкил этилди. Унинг расмий очилиш маросимида Немис ривожланиш хизмати эксперти Карле Кюне хоним ҳам қатнашди. — Мазкур ташкилот 1963 йилда ўз фаолиятини бошлаган, — деди у. — Ҳозирги вақтда қирқдан зиёд давлат билан ҳамкорлик алоқалари олиб бораёмиз. Мақсадимиз, ушбу мамлакатларда аёллар ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ёрдамни беришдан иборат. Туман «Тadbиркор аёл» уюшмаси етакчиси Лола Қўлмуродованиннг айтишича, ўқув марказига ўтган ойда зарур жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда компьютерда иш юритиш, тикувчилик, сартарошлик, қандолатчилик, ҳисобчилик, офис менежменти, тўқувчилик курсларида тингловчилар таҳсил олишаяпти. Масалан, биргина компьютерда иш юритиш курсида икки гуруҳда 24 нафар хотин-қиз янги касб сир-асрорларини ўрганапти. Шунинг ўзидек қуйичиқлик опа-сингилларимиз ўртасида касб ўрганишга кизиқиш катталигини кўрсатмоқда. Тadbир ўтказилган кунни йиғилганлар кўп бўлганлиги, улар томонидан мутасаддиларга кетма-кет савол берилгани ҳам фикримизни далиллади. Демак, одамларда кизиқиш, ишонч бор, энг кераги шу. — Сўзимиз охирида шунни айтиш жоиз, ишнинг бошланиши ёмон эмас. Мақсад сари интилиш шундай астойдил давом этса, уюшмага ташкилотчи, ишига фидойи кишилар раҳбарлик қилар экан, буюғи яхши давом этаверади. Қарс икки кўлдан, деганларидек, бир томон ҳаракатини иккинчи томон сидқидилдан қўллаб-қувватласа, албатта, қутилган самарани беради. Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Advertisement for 'GRANT-SHARTNOMA IMZOLANDI'. Text: Грант-шартнома имзоланди Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга мўлжалланган бегарз ёрдами сифатида наватбоддаги грантлар топширилди. Тadbир мобайлида Тошкент вилояти кўз микрожарроҳлик маркази билан 53 минг 496 АҚШ доллари миқдоридидаги грант-шартнома имзоланди. «Туркистон-пресс».

Advertisement for 'BAYRAMGA QADOKLANMOQDA'. Text: Байрамга қadoқланмоқда Бугунги кунда бозору дўконларимиз турли-туман халқ истеъмолчи моллари, жумладан, хилма-хил чойлар билан тобора тўлиб бормоқда. Улар орасида қарийб бир йилдан буюн харидорларга манзур бўлаётган «Тошкент» чойининг ўзига хос ўрни бор. «TASHKENT TEA FACTORY» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида қadoқланаётган кўк ва қора навли Цейлон чойлари хуштаъмлиги ва инсон саломатлиги учун фойдали экани билан ажралиб туради. Тadbиркорлик билан иш юритаётган корхона хорижий шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик олиб бормоқда. Бу ерда цехлар янги қadoқлаш ускуналари билан жиҳозланди. Натижада корхонада жорий йилнинг утган 9 ойи мобайнида 450 тонна чой қadoқланди, харидорларга етказиб берилди. Қўшма корхона янги йилни янги чой нави билан қутиб олаптир. Корхонада қарийб 100 йиллик тарихга эга дунёга машҳур олий навли «Ақбар» чойини қadoқлаш бошланди. Бехуд БОТИРОВ, ЎЗА мухбири.

жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори энгил атлетикачи Павел Андреев, Осиё чемпионатида олтин ва Осиё ўйинларида бронза медаллари совриндори бўлган боксчи Бахит Сарсекбоев номларини бугун мамнуният билан тилга оламиз.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ва ўзи ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга катта ҳисса қўшган мураббийларни, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, шунингдек, бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни шарафлаш ва муносиб тақдирлаш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус фармойиши билан ташкил этилган тантанали маросимнинг айнан Чирчиқ шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, чирчиқлик спортчилар 2002 йилда энг кўп, яъни бешта олтин ва иккита бронза медалини қўлга киритдилар.

Вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибияти, вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси тантанали маросимни юксак савияда ўтказиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганни алоҳида таъкидлаш жоиз. Кимёгарларнинг муҳташам маданият саройи жисмоний тарбия ва спортни, номдор спортчиларни улуғловчи алвон ширлар билан безатилган. Маросимга ташриф буюрган 23 нафар спортчи ва уларнинг мураббийлари мутасадди мезбонлар томонидан янграқ мусика садолари остида кутиб олиниб, шинам безатилган дастурхонга тақлиф этилди.

Вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов тантанали маросимни илиқ ва самимий дил сўзлари билан очди.

— Бугун ўзбек спортчиси жаҳонни забт этди, дея баралла айтишга ҳақлимиз, — деди Умнат Маматқулович. — Бу энг аввало мустақиллигимиз шарофати. Собик иттифоқ даврида ҳар қанча маҳоратли бўлишмасин, бирор ўзбекистонлик спортчининг мамлакат терма жамоасига кириши, халқаро мусобақаларда қатнашиши амри маҳол бўлиб, ушалмас орзу эди. Буни шу залда ўтирган спорт мураббийлари жуда яхши билишади, эслашади. Мустақилликдан сўнг эса, шароит мутлақо ўзгарди. Ҳар жабҳада, жумладан, спорт роҳасида ҳам жаҳон дарвозалари Ўзбекистон учун кенг очилди. Республика ҳукумати жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни спортга оммавий жалб этиш, уларнинг ўз салоҳиятларини ички ва халқаро мусобақаларда тўла намойиш этишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш-

га қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Эндиликда иқтидорли спортчилар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, ҳам моддий, ҳам маънавий гамхўрлик кўрсатишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам вилоят ҳокими таъкидлаганидек, бу йил республика Президентининг

Фармони ва ҳукумат қарори билан Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилганлиги мамлакат спортни ҳаётида туб бурилиш сари қўйилган тамал тоши бўлди, дейиш мумкин. Нафақат спортга алоқадор кишилар, балки, мамлакатнинг ҳар бир

оддий фуқароси ҳам бу тарихий ҳужжат замирида қандай эзу мақсадлар борлигини теран англайди. Зеро, гап болаларда спортга чинакам меҳр уйғотиш орқали ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол қилиб, эл-юрт, Ватан ва миллат учун ғурур-ифтихор руҳида тарбия-

лаш ҳақида бормоқда. Ушбу қарорнинг айнаи ҳаётий зарурат эканлигини бутун мамлакат миқёсида, айниқса, қишлоқ жойларида болалар спортининг моддий-техника базасини янада кенгайтириш, замонавий болалар спорт мажмуалари тармоғини барпо этиш, уларни зарур спорт

ускуна ва анжомлари билан таъминлаш ҳаракати кизгин бошланиб кетганида ҳам аяқол кўриш мумкин.

— 2002 йил спорт соҳасида республикамиз учун, шу жумладан, вилоятимиз учун ҳам ютуқларга жуда бой бўлди, — деди ҳоким сўзини давом эттириб. — Вилоятимизнинг 40дан зиёд спортчиси жаҳон ва минтақа чемпионатлари ва йирик халқаро мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритди. Ушбу залда эса, ана шу спортчиларимиздан энг етуқ 23 нафари ўтирибди. Булар вилоятимизнинг фахру ифтихоридир.

Шундан сўнг вилоят ҳокими тантанали маросимга йиғилган спортчиларни, уларнинг устоз-мураббийларини жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқлари ҳамда яқинлашиб келаётган янги йил байрами билан самимий табриклади. Ўзбекистон, қолаверса, вилоят спорт шарафини муносиб ҳимоя қилаётганлари учун миннатдорчилик изҳор этди.

Навбат спортчиларни тақдирлашга келганда, биринчи бўлиб минбарга Тошкент туманилик эркин курашчи Дилшод Мансуров тақлиф этилди.

— Дилшоднинг беллашувларини ойнаи жаҳон орқали кизиктириш билан кузатиб бораман, — деди Умнат Маматқулович. — У ҳар доим гиламга шердек ваҳдат билан, демек, фақат галаба нияти билан чиқади ва шунинг учун ҳеч қачон энгилмайди. Бундай йигитларимиз ҳар қанча олқиш ва қадрга муносибдир. Шу боис Дилшодга «Тико» энгил автомашинаси калитини мамнуният билан топшираман.

Минбарга байдарка ва қаноэда эшак эшиш бўйича Осиё ўйинларининг олтин ва кумуш медаллари совриндори Юлия Барзова тақлиф этилди.

— Бу кизимиз, — деди вилоят ҳокими, — оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, пировардида шундай деди: «Мен Тошкент вилояти вакилиман, буни алоҳида таъкидлашингизни сўрайман». Бу — чинакам ватанпарвар спортчининг қатъий талаби. Аксарият спортчиларимизнинг мана шундай фидойилик хислатлари бизни, айниқса, қувонтиради.

Тантанали маросимда 23 нафар спортчи телевизор, видеомагнитофон, уларнинг мураббийлари эса гиламлар билан тақдирландилар. «Қалдирғоч» болалар вокал гуруҳи, бадий ҳаваскорлик гуруҳлари аззолари спортчи ва мураббийлар учун махсус концерт дастурларини намойиш этдилар.

Абдулсамад ЙЎЛДОШЕВ,
Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбирлари.

УЛАР — ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ!



ДИЛШОД МАНСУРОВ гиламда қанчалик чакқон бўлса, суҳбатда шунчалик суст, туррироғи гапга йўқ. Табиатан босиқ, айниқса, спортдаги ютуқларини, умуман, тилга олишни истамайди. Шу боис ҳам у ҳақда тантанани бира қелган буюиси Ҳижоат аядан кўп нарсани билиб олди.

— Дилшодбек менинг бош набирам, — дейди ая. — Болалигидан ўзим катта қилганман. Ёшлигидан оғир, босиқ, лекин, тишлаган жойидан узмай қўймайдиган хилдан эди. Бирон ишга киришдим, уни на онаси, на мен ва на бошқа одам қайтара олди. Курашни ҳам ўзи танлаган. Дастлабки кизиктирилари болалигидан далада мол, қўй боқиб юрган пайтларидан бошланган. Уртоқлари билан ўт-ўланлар устида узларина тараф-тараф бўлиб, кураш тушиб юришарди. Кейинчалик мактабда бир ёш йигит Дилшод сингари болаларни тўглаб, улар билан шуғулланди. Орадан бироз вақт ўтиб, Келес марказида кураш мактаби очилибди, деган гапни эшитди-ю, ўша ёққа чолди. Нима бўлаётми, эглай олаётимми, бизга ҳеч нараса демасди. Вақтида бориб, вақтида келарди. Кейин яна далага чиқиб, молни боқарди.

Яратганга шукр, болагинанинг шунча қилган меҳнатлари бугун ўзига гулдаста бўлди.

— Узим яқиндагина кенжа фарзандимни уйлантирдим. Энди навбат набираларга. Дилшодимни уйлантириш тараддуидамиз. Бундан буён мартабаси яна ҳам юқори бўлсин.

— Дилшодга ҳам бир жуфтгина савол бердик:

— **Спортда эришган муваффақиятларингиз ўзингизни қониқтирадими?**

— Қачонки спортчи ўзидан қониқкиш ҳосил қилса, демек, у энди ҳеч нарсага эриша олмайди.

— **Мабодо спортчи бўлмаганингизда қандай касб ағаси бўлардингиз?**

— Бу ҳақда уйлаб кўрмаганман. Лекин ҳаётимни спортсиз, курашсиз тасаввур этолмайман.

Биз тантанали маросим давомида 2002 йилда турли халқаро мусобақаларда қўша-қўша олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчилар билан суҳбатлашдик. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола эта- миз.



РУСТАМ САИДОВни «бокс жинни- си» дейишади.

Йигирма тўрт ёшни қаршилаган Рустам ҳаётда жуда эркин, ҳар бир ишни мустақил бажаради. Ишига аралашиб, ҳалақат берганларни ёқтирмайди. Спортни ҳамма нарсдан устун қўяди. Чин дилдан суҳбатга киришсангизгина юрагини очади.

— **Рустам, сиз учун ҳаётда энг муҳим нараса нима?**

— Ким қандай ўйлайди, билмайман, аммо, мен учун муҳим кишининг эркинлигидир. Айниқса, спортчи учун. Бўйсиз у бор маҳоратини намойиш эта олмайди.

— **Тушунлиққа тушган пайтларингиз ҳам бўладими?**

— Ҳа, дастлабки пайтларда мусобақаларда кўп ютқазиб кўярдим. Ўша дамларда бекор боксни танлаган эканман, бошқа спорт турига қатнашсам бўлмасмиди, деган хабрларга борардим. Ҳозир эса аксинча, хурсандман.

— **Шу кунга қадар рингда бокс тушган рақибларингиздан қайси бирини кучли, деб тан олгансиз?**


— Россиялик Алексей Пахоткинни энгилшим оғир кечган. Жуда кучли экан.

— **Уйлангансизми?**

— Ҳали улгурмадим.

— **Унда сизга бу борада ҳам бахту омад тилаймиз.**

— Раҳмат.



ИКРОМЖОН БЕРДИЕВ бугунги ишни эртага қўйма, қабилида иш тутади. У ҳам Дилшод Мансуров сингари мақсадида қайтмайдиганлардан. Унинг ҳаётдаги шiori — омадни кутиб эмас, унга интилиб яшаш.

— **Икромжон, боксчи бўлишингизга оилангизда ҳеч ким қаршилик қилмаганми?**

— Онам қаттиқ қарши бўлганлар. Аммо, отам доимо мени қўллаб-қувватлаб, имконият яратиб берардилар.

— **Илк бор рингга чиққан пайтнингизни эслайсизми?**

— Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларим республика чемпионатида қатнашдим. Муваффақиятга эриша олман бўлсам-да, катта ринг қандай бўлиши, унинг ҳаяжонлари кишини қай аҳволга солишини ўшанда ҳис этгандим.

— **Спортчида, айниқса, боксчида қайси хислатлар устун бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

— Ҳамма спортчилар сингари жавоб берадиган бўлсам, бир сўзликлик, қатъиятлик, доимо олға интилиш. Бўйсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

— **Спортнинг яна қайси турларини ёқтирасиз?**

— Теннис, баскетбол, футбол менинг жону дилим.



САНЖАР ЗОКИРОВ ютуқларини кўз-кўз қилишни хуш кўрмайди. Спортдаги муҳим ютуғи шундаки, у дэю-до бўйича ўзбекистонлик илк жаҳон чемпиони. Санжаргача ҳеч бир дэю-дочи бундай юқори натижага эришган эмас. У ҳаётда инсон серҳаракат бўлиши зарур, деган фикрга доимо амал қилади.

— **Шунинг учун бўлса керак, жуда кизикувчан. Қалбақликни, ёлғон сўзлашни, айниқса, мақтанчоқликни ёқтирмайди.**

— **Неча йилдан бери дэю-до билан шуғулланасиз?**

— Олти йил бўлди.

— **Устоз-мураббийингиз ким, ундан кўнглингиз тўлаётимми?**

— Устозим Сервер Муродосилов ўта талабчан, шогирдлари жаҳон спорт майдонига чиқмагунча, ўзи ҳам тинчмайди, уларни ҳам ҳоли-жонига қўймайди.

— **Мусобақаларда ҳакамларнинг кимгадир ён босиши ёки умуман, ноҳақликка йўл қўйишига қандай қарайсиз?**

— Бундай вазиятлар ҳам учраб туради. Лекин мен қандай мусобақадан қатнашмай, фақат ўзимга ишониб, гиламга чиқаман.

— **Бирон киши сизга шогирд тушиш истагини билдирса, нима деган бўлардингиз?**

— Аслида ҳали ўзим шогирдман. Лекин, ҳеч кимнинг кўксидан итармайман, билганларимни жон деб ўргатаман. Аммо, битта орзум бор — шаҳримизда хусусий дэю-до мактабини очиш.

— **Яхши ният — ярим мол, дейдилар. Ниятингиз ҳамроҳингиз бўлсин.**

— Раҳмат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХЖИЗМАТ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган янги —

2003 йил

билан чин дилдан табриклайди.

«Обод маҳалла йили»да

ишларингизга омад,

хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

Сиз бошқараётган ва ўзингизга жуда муносиб

«НЕКСИЯ», «ДАМАС», «ТИКО» ва «МАТИЗ»

автомобилларида илгарилаб бораётган

йўлларингиз доим раван, осмонимиз ҳамиша мусаффо,

тинчлигимиз абадий бўлсин!



ҲИНДИЙ ТАҲРИРИЯТИ ҚИРҚ ЁШДА

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида Ўзбекистон Телерадиоком- панисининг хоржий эшиттиришлар бошқармасига қарашли Ҳиндий тили таҳририятининг қирқ йиллиги нишон- ланди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ҳиндий таҳририяти анча оммалашиб бораётганини, бугунги кунда Ҳиндистонлик тингловчи- лардан эмас, балки Жанубий Осиёдаги бошқа мамлакатлардан ҳам Тошкентга мактублар келаётганини таъкидлашди.

“Туркистон-пресс”.

ОЛИМНИНГ БАХТИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекист- он Миллий университетиде Ясавий номидаги халқаро мукофот совриндо- ри Беғали Қосимов таваллуднинг 60 йиллигига бағишланган кеча ўтказил- ди.

олим томонидан “Мирмуҳсин Шермухам- медов”, “Абдулла Авлоний”, “Исеңкор қалб”, “Изай-изай тоғганим...”, “Салом, келажак”, “Маърифат даргалари”, “Исмо- илбей Гаспирали”, “Миллий уйғониш” каби рисолалар яратилди.

“Туркистон-пресс”.



Кумуш қишнинг зийнати. Даврон АҲМАД олган сурат.

Рақс байрами

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг юбилей концерти бўлиб ўтди.

Маъруз муассаса 1997 йилда Президент Ислоҳ Каримовнинг Фармонида бино- ан хореография билим юрти негизда ташкил этилган бўлиб, у олий ўқув юрти мактабига эга. Эндиликда бу ерда нафақат бўлажак балет артистлари, балки турли йўналишлар бўйича малака- ли педагоглар ва балетмейс- терлар ҳам таълим олади.

Назакат Усмонова, УзА мухбири.

ОИТСдан орттириладиган кулфат

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази- да Марказий Осиёда ОИТС тарқалиши олдини олишнинг ижтимоий таҳлилига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугунги кунда аср вабоси номини олган ОИТС дардида чалин- ганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда аҳоли са- ломатлигини муҳофазалаш, ёшлар орасида соғлом тур- муш тарзини тарғиб этишга қаратилган кенг қамровли тад- бирлар амалга оширилмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш халқаро ташкилоти (PSI) ҳамкорлигида таъкидланганда, бугунги кунда аср вабоси номини олган ОИТС тарқалиши олдини олиш, оилада ижтимоий- иқтисодий муҳитни яхшилаш, она ва бола соғлигини ҳимоя- лаш сингари масалалар тарғи- боти билан шуғулланади.

Анжуманда PSнинг Марказий Осиёда ОИТС тарқалиши олдини олишга бағишланган икки йиллик дастури тақди- моти бўлиб ўтди.

Б.ХИДИРОВА, УзА мухбири.

Маҳалламиздан чиқиб бораёпман. Рўпарамдан Турсунбой ота ҳар гал- гидек маънос келарди. Оёқларидаги пойабзали ҳам қирра тошларнинг зар- бидан эмас, балки унинг бу ҳолини кўтаролмай, бир ёққа қийшайиб, эга- сининг ўзиникидан ҳам ҳароб эканлигига аниқиб кетаётгандек эди.

Тақасалтанглик билан ўқишни ту- гатгач, отасининг кучи билан узоқ юртларга қатновчи экспедитор бўлиб ишга кирди. Унинг ҳаётдаги адашш- ларининг ибтидоси ана шу манзил- дан бошланди. Бу пайтда у уйланиб, бир ўғилчалик ҳам бўлган эди.

Орадан чамаси ўн беш йиллар вақт ўтди. Турсунбой шу йиллар ичида икки ўғил, тўрт қизлик бўлди. Ота- онаси аллақачон дунёдан ўтишди.

Йиллар ўтган сайин Санобарга тур- муш ўртоғи тобора оиласидан совоб бораётгандек туюларди. Аслини ол- ганда ҳам, Турсунбой кўп вақтини йўлда ўтказгани боис, ўз оиласи, бола чақасидан анча йироқлашган, ҳали ҳануз чиройли аёлларни кўрган- да, ўзини тутолмай қоларди.

Гап-гаштакларда тилидан жонон аёллари жарақ-жарақ пуллар тўшмас- ди. Тенгдошлари кўп насихат қили- шар, аммо у оналарининг сўзлари- ни тинглаш ўрнига:

— Сенлар ҳам битта хотин билан дунёда яшайман, деб юрибсанлар- да. Мен шу пайтгача қайси шаҳарга борган бўлсам, ўша ерда икки-ўчта- дан хотиним бор, — дея озгини кўпиртирарди.

Шундай кунларнинг бирида Тур- сунбой яна Россия томон жўнади. Йўлда тинч кета олмади. Бу сафар Турсунбой учун бошқачароқ кечди. Башанг кийинган, юзига атир-упани обдон чаплаган бир аёлни кўрди-ю, эс-ҳушидан айрилди.

— Соҳибжамол” билан танишди, сўх- батлашди. Турсунбойнинг «бахти»га Нада исми бу аёл фарзанд кўрмай, эридан ажрашган экан. Бир ўзи Тош- кентда яшар, Москвага қариндошлар- ини кўргани кетаётган экан.

Уч кунлик йўлда Турсунбой билан Нада анча яқин бўлиб қолишди.

Уй соҳиб яна йўлга отланди. Шу кетганча, уч ой деганда оиласидан хабар олдди. Шунда ҳам Санобар но- лимадди. Фақат бир гапни такрор-так- рор қуйиниб, айтарди:

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.



— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

Уй соҳиб яна йўлга кетди. Унинг мурдао эди.

— Сенларни деб шаҳарма-шаҳар ҳам билсин.

— Дадаси, олиб келадиган совга- саломингиз ҳам, пулингиз ҳам керак эмас. Болаларингиздан озгина меҳ-рингизни аямасангиз бўлгани. Олти ойдин буён кўларимиз йўлингизда. Келинг, қўйинг шу ишингизни. Бош- қа жойга ишга қиринг, тинчгина яшай- лик, — дея ёлворди.

СКАНВОРД

A crossword puzzle grid with various words and clues in Uzbek. The grid is filled with letters and some cells are empty for the solver to fill in.

Тузувчи: Акромжон ХУЖАМОВ.

ҲАМ ИЛМ, ҲАМ ТАЖРИБА

Талаба ёшларни илмий изланишларга жалб этиш бо- расида Тошкент Давлат аграр университетиде анча ишлар қилинапти.

Университетнинг иқтидорли талабалар бўлими атрофига уюшган ёшлар учун 20 дан ортққ ўқув ва илмий лаборатория ҳамда тажриба майдонлари ажратилган. Уларда бординг етиш- тириш селекцияси устида кузатиш ишлари олиб борилаёпти.

Шу ўқув йилида университет ёш олимлар кенгаши тавсияси билан магистрлар қаторида бакалаврият талабалари ҳам илмий тадиқотларга жалб этилди.

Акбар АЛИЕВ.

ФАРЗАНДЛАР КЎЗИНИ АСРАНГ

Боядан буён эшитилиб турган болаларнинг қий- қириқ овозлари бирдан тиниб, дарвозахонага жим- лик чўкди. Бу ҳолдан Маълума опанинг юраги безовталанди. У шошилиб дахлизга чиқди. Бироқ, ҳовли эшигини очиб улгурмади, тўсатдан эшитил- ган пақиллаган овоздан чўчиб тушди. Шу аснода дарвозахонадан болаларнинг чинқириқ, дод-войи эшитилди.

Маълума опа не кўз билан кўрсин- ки, невараси Дилшоднинг бармоқлари қоп-қора қон, кўши бола — Элдор эса икки қафти билан кўзларини бер- китганича, ерда думалаб, дод солар- ди. Бошқа болалар оқариб-бўзариб ту- ришарди.

Шу кунларда бундай жараҳатлар бирмунча кўпайди. Умумий кўз жара- ҳатлари билан мурожаат қилувчилар орасида болалар салмоғи 33 фоизга етиб боради. Тошкент вилояти кўз ми- крохирургияси марказида даволанаётган беморлар ичида эса, болалар кўз жа- роҳати 49,8 фоизни ташкил этади. Кўзини тешиб ўтган жараҳатлар, чайқа- лиш, қуйишлар энг кўп учрайди. Уксус ва йод билан қуйишлар ниҳоятда оғир жараҳатларга сабаб бўляпти. Тасоди- фан катта дозада дори ичиб қўйиш ҳам болалар кўз атрофиясига олиб келаётди.

Олимларимиз аниқлашларича, бир кўзи оқиб боланинг ривожланиши анча орқада қолади. Бундай болаларда то- ликкиш, бош оғриши кўпроқ учрайди. Ногиронлик бўлгани руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Бола хира қўи- шининг асосий сабабларидан бири шохларданнинг чандиқлари, қорачи- нинг жараҳати, гавҳарнинг лойқалан- ганлиги, ички парданинг уридан қўи- шидир. Яхшилаб даволанишга, ҳамма- сининг олдини олиш мумкин. Болалар

Шифокор минбари

кўз жараҳатлари асосан катталар назора- тининг суғлаштиши оқибатида. Уч ёшга- ча бўлган болаларнинг асосий жараҳат- лари қайчи, миҳ, ўйинчоқлар, ўқир нар- салар эҳтиётсиз саклашни туфайли юз беради.

4-6 ёшгача болаларда асосан таёқ, қоптоқ, қор ва оловда портлайдиган мод- далар билан жараҳатлар кўп учрайди. 7- 11 ёш — энг хавфли давр. Бу ёшдаги болалар асосан уруш-уруш ўйнаганда, портловчи ўйинчоқлар орқали жараҳат олади.

Ҳозирги пайтда Хитойда чиқарилган пақиллайдиган патронлар, портловчи ўйинчоқлар, мактабда йиқилишлар, оли- шиллар, қор отишлар натижасида келиб чиқадиган жараҳатлар кўпайди.

Ота-оналар болани кўз жараҳатидан асрашлари зарур. Болалар ҳаммиса улар- нинг назоратида бўлишлари керак. Кўзни жараҳатлайдиган нарсаларни эҳтиётлаб саклаш лозим. Уларни болалар қўли етмайдиган жойларга олиб қўйиш зарур.

Юлдуз ШОКАРИМОВА, Тошкент вилояти кўз микрохирургияси марказининг шифокори.

Фарида КОМИЛОВА, Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали услубийчи- шифокори.

Халқ табobati

ЛАВЛАГИ (ҚИЗИЛЧА)



Табобатда камқонлик, лавша касаллиги, зотил- жам, сил касаллигида, бронхлар аллиланган ма- ҳалда, гипертония касал- лиги ва бўйрак касалли- ларида лавлагини сув ичи- ши тавсия этилади. Ил- ди медаларини, шунинг- дек, барглари эзиб, яра- лар, жараҳатларга, чипқон ва куйган жойларга мал- ҳам қилиб қўйилади.

Ибн Сино фикрига қара- ганда, лавлагини жигар ва талқоннинг битиб қолган жойларини очди, бўйрак, қовуқ касаллиқлари, баво- силда наф беради.

Сувда тайёрланган лав- лаги экстракти 25-100 миллиграммдан ичиб ту- рилганда, сезиларли дара- жада ўт хайдидиган таъ- сир кўрсатади, шунинг учун, уларни ўт пуғайи ва жигар касаллиқлари даво- сига ишлатилади. Қайна- ти пиширилган лавлагини, айниқса, энг лавлагини қириб олинган сув днабёт касаллигида, қабзати, кам- қонлик маҳалларида ис- тетмоқ қилинади. Лавла- ги триеотоксикоз, атерос- клероз билан оғриган ки- шиларга ҳам фойдалидир.

Тошкент вилояти педагоги- ка билим юрти томонидан 1999 йилда Асадова Гузал Исмомова- на номини берилган № 237322 рақамли диплом йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимли- ги жамоаси Уртачирчиқ тумани ҳокимининг уринбосари Ёқуб Турсунова падари бузу- гуваси ТУРСУНХОЖИ отанинг вафоти муносабати билан чу- қур ҳамдардлик изҳор қилди.

A row of advertisements for 'TOHKENT HAKIKATI' newspaper, including contact information for subscriptions and distribution points.